



МУҚАДДАС
МАЪВО

2

ШИЖОАТЛИ ШОГИРДЛАР ТАРБИЯЧИСИ



4



БУЛОҚНИНГ СУВИ
ТОЗА БЎЛАДИ

5

АЖРАШИШ ОСОН, ЯРАШИШ-ЧИ?!



8



ЎзА сурат-лавҳаси

БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР...

КИТОБ

ТИРИКЧИЛИК МАНБАИ ЭМАС

Касбимиз тақозосига кўра, ижодий сафарларда бўламиз. Фидойи, заҳматкаш, эл-юрт қорига камарбаста ҳамюртларимиз билан суҳбатлашиб, ди-

ёримизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишамиз. Бир гал қизиқ бўлди: водий вилоятларидан биридан мендан дабдурустан “Китоб-

чимисиз?” деб сўраб қолишди. Аввалига тушунмадим. Кейин билсам, мамлакатимизнинг турли бурчакларида яшаётган ўз касбининг фидойилари, зиёллар, фермерлар, хуллас, элда обрў топган инсонлар фаолияти ҳақида китоб ёзиб, чоп этувчи уддабурон “ҳамкасб”ларимиз ҳам бор экан...

ҲИКМАТ

Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади ва улар бу баракотдан умрбод баҳраманд бўлади.

Алишер НАВОЙИ

Одам боласи бу ёруғ дунёга келган кундан бошлаб то ҳаётининг сўнги сониясигача оила бағрида яшайди. Замин узра илк қадамлар, борлиқ билан танишув, мактабга бориш, билим олиш, катта ҳаётда одам ташлаш — ҳамма-ҳаммасига оила сабабчи. Агарки, Ватан киндик қони тўкилган хонадондан бошланса, шу митти гўша ҳам Ватаннинг бир парчаси. Шунинг учун ҳам юксак эътиқод, бекиёс ихлос руҳида тарбия кўрган ҳақимиз оилани азаладн муқаддас маскан ҳисоблайди.

рим билан маслаҳатлашсам...
— Айнан ким билан?

шаббуслар хусусида кадр-донларингга фаҳрга тўлиб

Бахт бешиги

Ж а р а ё н

МУҚАДДАС МАЪВО



— Ота-онамдан бир огиз сўрайин...

Ёш мутахассис хонадан чиқиб кетгандан сўн раҳбаримиз унинг ортидан хурмат билан:

— Ақлли йигит экан. Албатта, ота-оналари ҳам фарзандига рози бўлишади. Лекин бир огиз уларнинг олдин ўтишида катта маъно бор, — деди.

Албатта, ҳар кимнинг табиати ҳар хил. Баъзилар ишхонасидаги ҳаёт ҳақида уйда умуман огиз очмайди. У ердаги гапларнинг уйимдагиларга алоқаси йўқ деб ҳисоблайди. Бу ўша ердаги ички мухитга боғлиқ. Аслида ўзинг ишлаётган жамоадаги муваффақиятлар, ижобий ўзгаришлар, янги та-

гапириб беришнинг нимаси ёмон?

Болалар тақлидчан бўлади, деймиз. Энди ҳаёт остонасига атак-чечак қилаётган гўдак илк тақлидини ўз уйдан бошлайди. Норасида бола кўз ўнгида яхши ҳаракат қилсангиз, ўша йўлдан юради. Аксинча бўлса... Бола ниманинг фарқига бориб ўтирибди, дегувчилар қаттиқ янгилашди. Боланинг хотира-си бамисоли босма қоғоз — энг майда ҳаракатингизни ҳам ўзига қабул қилади. Модмики, болаларимиз тарбияси, тақдири, эртанги куни оила бағрида хал бўлар экан, бу маскани муқаддас деб атасак арзийди.

Маҳаллани Ватан ичра ватан деймиз. Маҳалла эса

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон
Республикасида
хизмат кўрсатган
журналист.

Ораимиздаги одамлар

киза тутишга ҳаракат қил. Новвойнинг нони ҳеч қачон яримта бўлмаган. Демак, ана шу насибангнн бутун қилмоққа ҳаракат қил", — деб тинмай ўқтиришарди улар.

Бу ҳақда қаҳрамонимиз шундай изох берди: "Новвой ёпган нон ҳар жиҳатдан покиза бўлиши керак. Сени сўраб келган одам бирор нарсани олиб беришингн илтимос қилиши ёки олиб келган нарсасини қўлингга тутқазishi мумкин. Бундай пайтда ҳар хил чанг-чунг, зарарли микроблар хамирга тўкилиши эҳтимолдан холи эмас-да". Ҳозир ўзим билган, амал қилган ана шундай оддий қоидаларни ҳам шоғирдларимга эринмай тушунтираман.

— Ҳали эшитмаганман, дунёда ёмон касб-хунарнинг ўзи йўқ, Тўғри, ўша соҳани яхши эгаллай олмаган уквсиз, малакасиз одам бўлиши табиий, — дейди унинг умр йўлдоши Зухраҳон опа. — Шу маънода новвойчиликнинг ҳам албатта захмати, ташвиши бор. Кимдир мақтайди, яна кимдир нолиши ҳам мумкин. Лекин турмуш ўртоғим шу касби ортидан ўзига яраша хурмат, эътибор қозонди. Биргина ўзимизнинг оилани эмас, яна бир қанча рўзгорларнинг обод, тўкин бўлишида баҳоли қудрат хизмати синга-япти. Фарзандларимга ҳам бобо-бувилари, қолаверса, дадалари каби ана шундай ҳалол меҳнатлари ортидан элда обрў қозонишлари мумкинлигини кўп таъкидлайман. Худойимга минг қатла шукрки, рўзгоримиз бут, кўпчиликдан раҳмат эшитяпмиз.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Юртимизда аёлларнинг оила ва жамиятдаги фаоллигини ошириш, ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш орқали меҳнатини энгиллаштириш мақсадида қатор устувор вазифалар билан бирга аёлларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши, касб ўрганиши, шу орқали оила даромадини юксалтириши, мамлакат иқтисодиёти ва жамият тараққиётига ўз хиссасини қўйиши йўлида ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Яқинда Республика Хотин-қизлар кўмитасида жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар, мавжуд муаммолар таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Маълумки, ўтган йили "Тадбиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси" танловида 14 нафар аёл ғолиб бўлган ва уларга тадбиркорликни юритиш бўйича 2015 йилда 2 миллиард 215 миллион сўм кредит маблағлари ажратилиши режалаштирилган эди.

— Ажратилган кредитларнинг маълум қисми эвазига юртимизда, жумладан, чекка қишлоқларда гўзаллик салонлари, таъмирлаш ва тикув цехлари, маиший техникаларни тузатиш шохобчаларидан иборат 150 дан ортиқ хизмат кўрсатиш комплекси барпо этилганлиги аҳоли турмуш даражасини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ахборот хизмати раҳбари Гулжамол Асқарова.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Марказий банк ҳамкорлигида аёлларни тадбиркорликка ўргатиш, уларни иқтисодий жабҳага жалб этиш борасида бир қатор ишларни ҳам амалга оширмоқда. Ишбилармон аёллар ўртасида тадбиркорлик фаолиятини, кичик бизнес ва касаначиликни ривожлантириш борасида банкларимиз томонидан ажратилган кредитлар эвазига ҳозирги кунда минглаб хотин-қизлар доимий иш ўрнига эга бўлди. Ўтган йилда уларга 1 триллион сўмдан зиёд кредит маблағи ажратилиб, касб-хунар коллежалари битирувчиси бўлган ёшларнинг 85 фоизи бўлган жойлаштирилди. 2015 йилнинг ўтган чорагида республика тижорат банклари томонидан аёлларга ажратилган кредитлар ҳажми 314,3 миллиард сўмни ташкил этди. 50 010 нафар аёллар иш билан таъминланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Барно МИРЗАХМЕДОВА,
"Оила ва жамият"
муҳбири.

НОВВОЙНИНГ НОНИ БУТУН БЎЛСИН!



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Фирдавсий маҳалласи аҳли новвой Раҳматжон ака Юлдашев оиласини жуда хурмат қилишади. Яна бир ибратли томони, унинг фарзандлари ҳам эл-улусга нафи тегадиган, кўпчиликка беиннат ёрдам қўлини чўзадиган, меҳнаткаш ва тиришқоқ бўлиб камолга етишди. Боиси, бу аҳил гўшада улғайган ўғил-қизлар ёшлигиданоқ ишга, меҳнатга кўникириб борилган-да.

— Ўзимдан қиёс, 8-синфда ўқиётган кезларимдан бери нон ёпа бошлаганман, — дейди Раҳматжон ака. — Кейинчалик тушуниб етдимки, бу касб ниҳоятда баракали ва савобли иш экан. Нега десангиз, бу ёғи ўзбекчилик, уйимизга иккита меҳмон келсаям, дастурхонга ҳеч қачон қотган ёки буханка нон қўймаймиз, тўғрими? Боламизни новвойхонага югуртирамиз. Шунинг ўзиям миллий кадрият-

да. Тўй-томошаларда ҳам минглаб одамларга нон қўйилади, тасаввур қилинг, куйган ёки сал хомроқ пишгани тушиб қолса борми, биринчи навбатда новвойнинг шаънига яхши гап айтилмайди. Шунинг учун менинг ўзим аввал бошдан, тандирдан узиб олинган ҳар бир нонни битталаб синчиклаб кўриб чиққанман кейингина тарқатишга рухсат бераман. Баъзан болалар ёшлик қилиб шошилса, танбех эшитади.

Ота-онамдан кўп нарсани ўрганганман. Айниқса, супрадан то тандирнинг атрофи, хатто ичигача супуриб-сидириб, топ-тоза тутишни қаттиқ ўқтиришарди. "Ўғлим, яна бир асосий омилни унутма, кўпчилик, энг аввало, нон ёпаётган ва сотаётган одамнинг уст-боши, юз-қўлигача жиддий эътибор беради. Агар озгина нуқсон сезса, ихлоси қайтади. Бу ҳолатни кўп кузатганман. Шунинг учун аввал ўзингни, кейин нон-тандирингни по-

2015 йил — Кексаларни эъвозлаш йили

Зангиота туманидаги Ўртаовул кўрғонида истиқомат қилаётган Фанижон ота Тошев оиласи юртимиздаги энг файзли хонадонлардан. Умр бўйи ўқитувчилик касбини ардоқлаган 88 ёшли Фанижон ота оилада ҳам таълимга-тарбияга алоҳида эътибор берган. Маҳаллада нияти эзгу, кўнгли очик, самимий, гайрат-шижоати ёшларга ўрнак, тиниб-тинчимас инсон болалик ва ўсмирлик чоғида иккинчи Жаҳон урушини бошидан ўтказганини, машаққатлар кишини қатъиятли, иродали, матонатли ва саботли қилишини сўзлаб берди.

ШУКРОНАЛИК ШУКУҲИ

— Бола эдим ўшанда, биринчига бормасдан, иккинчи синфга ўтганман. Афсуски, уруш сабаб 4-5 синфдалигимда мактабдан, энг беғубор дамларимдан айрилдим. Оч-яланғоч ўтган кунлар... биз ҳам фронт ортидаги меҳнатларга жалб этилдик. Биласизми, кеч кириши билан хонадонлардан тўқ-тўқ этган овозлар эшитилар, жўхорини талқон қилиб одамлар қорнини тўйдиришарди. Оғир дамлар секин-секин ортда қола бошлади, ўқитувчиларни тайёрлайдиган техникумга ўқишга кирдим. У ерни тамомлаб, мактабда ишлаб бошладим. 1954 йилда Низоми номидаги педагогика институтини (ҳозирги Низоми номидаги Тошкент давлат педагогика университети) сирдан битирдим. Кейинчалик Йўлчи Каримов маҳалласида оқсоқоллик қилдим. 60 йиллик меҳнат фаолиятимнинг 45 йили ўқитувчилик билан ўтди. Мустақиллик деган олий неъмат, нурафшон кунлар билан бирга, тотли хотираларни ҳам ҳада этган. Пойтахтимиздаги Хотира майдонининг зарҳал китобида тўрт ака-укамнинг исми зикр этилган. Уларнинг хотиралари кўп нарсаларни ёдга солади.

Қарилк гаштини сураётган Фанижон ота фаҳрга тўлиб: "Инсон қадри баланд бу азиз юрда яшаш — катта бахт", — дейди. Юртимиз ҳаётига дахлдор ҳар бир янгилик, ўзгаришларни, кундан-кунга чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимизни кўриб завқланиди, ютуқларимиз янада кўпайишини тилайди.

— Мана қаранг, қўш қаватли, замонавий касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, илмий ўқувчилар, замонавий синфхоналар мени хайратлантиради-да. Ўтган кунларим билан бугунни солиштириш қийин. Рафиқам Икболхон билан қарилкни гоҳ у сўхатгоҳда, гоҳ бу



сўхатгоҳда ўтказмоқдамиз, болам. Яқинда сўлим Фарғонанинг Олтириғига бориб келдим. Ҳозир ўзимни аввалгидан-да яхшироқ ҳис қилмоқдаман. Яхши дам — меҳнатга ҳамдан дейишади-ку! Жисмоний меҳнати ҳам қанда қилмай ер чопаман, боғимга қарайман, гулларни парвариш қиламан.

Устознинг ўқувчилари орасида шифокорлар, қурувчилар бор. Ёлғиз қизи — Зулфия опа ҳам ота касбини танлаган.

— Ота-онамнинг меҳнати сабаб ҳаётда ўз ўрнини топдим. Аввал, ЎзМУнинг математика факультетида ўқишга кирганман. Бу соҳада 37 йил ишладим, ҳозир нафақаданман. Ўқитувчилик сабрни талаб қилади. Ота-онанинг бола тарбиясидаги ўрни муҳим. Ота-онам ҳалол ризқ топишни ўргатгани сабаб эртаю кеч боғдаги мевали дарахтларга қараймиз. Набираларимда ажайиб бир одат бор: ҳар тонг "Бувим ва бувамга бориб салом бериб келамиз" — дейишади.

Фанижон отанинг набира келини Озодахон бу хонадонга келин бўлиб тушганида баъзилар: "Иккита қайнонанг, икки қайнотанг бор экан. Сенга жуда қийин бўлади", дейишган экан. Бу гапларга чалғимаган, нияти хайрли келиннинг бугун бахти бугун.

— Келин бўлиб тушганимга беш йилдан ошди, икки фар-

зандимни тарбиялашда бувим, бувам ва қайнона-қайнотаннинг ўрни катта. Бола боқишда ҳам, уй-рўзғор ишида ҳам оиладагиларнинг ҳаммаси ҳамжиҳат бўлиб, йўл-йўриқ кўрсатишган. Биринчи болам туғилганида уни қўлидан қўймай қарашган, менга фақат кечкурун тегарди. Шу сабабми, улар бошқа болалардан фарқ қилади. Масалан, қизимнинг боғча опалари уни тартиб-интизомли, ўзи йиғиштириб кетаверади, дейишади. Бобо-бувиларидан ибратли эртақ ва аллаларни эшитиб улғайган болалар чиндан ҳам алоҳида тарбияга эга бўлишади.

Дунёда жамоа бўлиб ҳаёт кечиритишдан кўра ёлғиз яшашга мойиллик тобора кучайиб бораётган бугунги глобаллашув жараёнида нурунийларимизнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, уларнинг насихатлари, кўрсатаётган йўл-йўриқларини бебаҳо миллий маънавий бойликка қиёслашимиз мумкин. Зангиоталик Фанижон ота Тошев ёшлардан панд-насихатларини аямайдиган, улар тарбияси, келажаги учун қайғурдиган жонқуяр отахонларимиздан бири.

— Тўйларга борганимда тўкинликни кўриб қувонаман. Шундай дорилмомон кунларда ҳам баъзиларимизнинг ношуқурлигини кўрсам, жаҳлим чиқади. Уларга танбех бераман: "Биз кўрган кунларни сенлар кўрмагансан, уларнинг қадрига етгин, болам! Ҳеч нарсани, нон ва сувни ҳам увол қилмаслик керак".

Ўзидан яхши ном қолдириш боғ бунёд этиш, илми орқали қалбларни ёритишдек гап. Фанижон ота каби бободар билан лаҳзалик сўхбат, дийдор онг-у шууримизни бир қадар ёритади. Дуоғўларимизнинг борлиги ҳаётдаги энг катта бахтимиз, омадимиздир.

Роҳила ЮСУПОВА,
журналист.

ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ ҒОЛИБЛАРИ

Республика Маънавият тарғибот маркази ва Андижон вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Юксак маънавиятли авлод" республика ёшлар фестивалининг Андижон вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Фестивалда умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юрларининг 350 га яқин ўқувчи ва талабалари "Президентимиз асарлари билимдони", "Мустақиллик тарихи билимдони", "Энг иқтидорли хунарманд", "Ўз асариди миллийликни акс эттирган рассом", "Ўз асариди миллийликни акс эттирган дизайнер", "Ватан куйчиси", "Юксак маънавиятли авлод", "Бадий ижод" номинацияларида ўз билими ва маҳоратини синовдан ўтказди.

Тадбир доирасида намойиш этилган иқтидорли ёшларнинг хунармандлик, тасвирий ва амалий санъат асарлари, илм-фан соҳасида эришяётган ютуқлари кўргазмалари, шеърят, наср ва публицистика жанрлари бўйича ижодий ишлари муҳлис ва мутахассисларда катта таассурот қолдирди.



Мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган 20 нафар иштирокчи ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

Зилола РАҲМОНОВА,
Андижон вилояти.

Хотира саодати

ДОНИЁР ОТАНИНГ ДОВРУҒИ

Дониёр ота Кудратовни олижаноб инсон, қўли енгил шифокор сифатида нафақат Бўка туманида, балки Тошкент вилоятида ҳам кўпчилик яхши танирди. 80 ёшида ҳаётдан кўз юмган Дониёр отанинг яхши гаплари, хайрли амаллари ўғил-қизлари ва набираларига мерос бўлиб қолди.

Лобар ҒАҒУРОВА,
невараси:

— Йиллар одамни тарбиялайди, деган гапни бобом кўп такрорларди. Бизга у кишидан жуда кўп ёруғ хотиралар қолди. Ҳар бир одам, энг аввало, оиласида ўз ўрнига эга бўлса, жамиятда ҳам, иш жойида ҳам обрў-эътибор топар экан. Бобом ана шундай тоифа вакили эди. Очиғи, ҳар доим улар ҳақида фаҳрга тўлиб жўшиб сўзлагим келаверади.

Бобом Бўка туманидаги Саймоқов қишлоғида туғилиб ўсган. Ҳозирги Тошкент тиббиёт академиясининг (собиқ ТошМИ) педиатрия факультетини тамомлаб, 1960 йилдан Хўжақўрғон қишлоқ шифохонасида иш бошлаган. Ўша йили бувим — Мамлакат ая билан турмуш қуришган экан. Бувимнинг айтишларича, бобом бировнинг жони оғрибди, деган гапни эшитса, уни оёққа турғазмагунча тинчимас, беморларга яхши гапириб, меҳр бериб, кўнглини олар экан. У киши 1964-1972 йилларда Кўкорол қишлоқ фуқаролар йиғинидаги шифохонада бош шифокор, ундан кейин марказий поликлиника мудир, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси раиси, шунингдек, нафақага чиққунларича эндокринолог сифатида ишлаганларини кўпчилик яхши билади.

Фарзандларининг хотирлашича, Дониёр ака табиат шайдоси бўлиш билан бирга адабиётни ҳам жону дили билан севар, номдор адиб ва шоирларнинг айрим ҳикоя, қисса, роман, шеър ва достонларини ёддан айтиб берад, бошқаларни ҳам ана шундай хайрли ишларга ундар экан. Яна бир ибратли жиҳати, болалар ўртасида турли фанлардан савол-жавоб ўйинлари уюштириш орқали уларнинг саводхонлигини оширишга эришаркан.

Энг қизиғи, ўз касбининг фидойиси бўлиш билан бирга, турмуш ўртоғи беш фарзандли бўлганидан кейин умр йўлдошини институтда ўқитганини ҳалигача кўпчилик хушнудлик билан эслайди. Омадни қарангки, ўшанда қизлари Мухайёхон Тошкент давлат чет тиллар (ҳозирги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети) институтининг рус тили ва адабиёти факультетида талабалikka қабул қилинган бўлса, онаси ҳам аввалги Ангрн педагогика институтининг айнан шу факультетида ўқишга кирган экан.

"Даданнинг чимилдикдаги орзуси шундай эди. У киши шу баҳонада нафақат менинг олий маълумотли бўлишимни, балки бу билан кейинги фарзандларимиз ҳам ўқимишли бўлишини астойдил истаган", дер экан Мамлакат ая фарзандларига гурурланиб. "Фалакнинг гардишини қарангки, тоғаларим — Алижон ака иқтисодчи, Валижон ака шифокор, Мархабохон холам шифокор, онам ва Дилрабо холам ўқитувчилик касбини танлашган. Яна бир қувончли жиҳати, 15 нафар набирасининг илк қалдирғочлари олий маълумотли мутахассис бўлиб етишишди. Қолганлари ҳам илм эгаллашга астойдил қизиқишмоқда", — дейди Лобар Ғағурова.

Дониёр ота Кудратов маърифатли, меҳнатқаш инсонлиги боис ҳам умрининг охиригача китобга ошно бўлиб, ҳар куни мутулаа билан машғул бўлган экан. Бўш вақтларида мўъжазгина ҳовлисида мевали дарахтларни парваришлаб, сабзавот экинлари ҳам етиштирган экан. "Ҳатто саксон ёшида ҳам тоққайчини қўлидан қўймай, нарвонга чиқиб, узумларга шакл бериб юрарди. Энди ўрни жуда билинган", — дейишди фарзандлари отасини хотирлаб.

Нигора ЎРОЛОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири,
Тошкент вилояти.

Бир донишманддан сўрашибди:

— Бу обрў-этибор, мол-мулк, илму маърифатга қандай эришдингиз?

Донишманд ўйланиб дебди:

— Устозим қатъиятли, шижоатли ва жасоратли киши эди. У мени ҳар дақиқанинг кадрига етишга ўргатган.

ШИЖОАТЛИ ШОГИРДЛАР ТАРБИЯЧИСИ



Президентимиз таъкидлаганларидек, дунёдаги минг-минглаб касблар орасида энг шарафлиси ўқитувчиликдир. Ўқитувчи деганда кўз ўнгида беихтиёр дили пок, самимий, болаларча беғубор, камтар ва камсукум инсон гавдаланади. Устознинг суҳбатини эшита туриб, болаларнинг тилини топиши, улар билан дўстона алоқа ўрнатиши, сирдошлиги маънисини тушуна борасиз. Эҳтимол, уларнинг бор бахти ҳам айнан болалар даврасида бўлганидадир. Шундай фидойи инсонлардан бири Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Анара Маҳмудовадир.

Тараққиётнинг "Ўзбек модели" халқаро миқёсда тан олинши, шубҳасиз, таълим тизимининг халқаро майдондаги эътирофи дейиш ҳам мумкин. Бу бежиз эмас. Зеро, шу тобда таълим системасидаги ўзгаришлар, янгиланишларнинг ўзиёқ Ўзбекистоннинг салоҳиятини, қудратини аниқ тасаввур этиш имконини беради. Халқаро фан олимпиадалари, конференциялари ва мусобақаларида иштирок этаётган минглаб ўғил-қизлар ўз сўзларини айтаётганини фахр билан тилга оламиз. Албатта, ўзбекистонлик болаларнинг бу эришгаётган муваффақиятлари замирида фидойилик ётгани барчамизга аён.

Юртимизда ўқитувчилар орасида олти нафар Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланганлари бўлса, уларнинг ҳар бири ўзига хос мактаб яратган фидойи устозлардир. Анара Маҳмудова ҳам шулардан бири. У фаолиятининг энг жўшқин, самарали ва қизгин даври — чорак асрдан буён Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори лавозимида ишлаб келмоқда. Эътиборлиси, опа мактабида тахсил оладиган мингдан ортиқ ўқувчиларнинг барчасини номма-ном билади, улар билан дилдан суҳбатлашади, муаммоларини биргаликда ҳал этади, ютуқлари-

дан қувонади. Мактабдаги таълим-тарбиянинг аъло даражада йўлга қўйилгани, соҳа ривожига қўшаётган ҳиссаси ва фидокорона меҳнатлари учун Анара Маҳмудова 2004 йили Президентимиз фармонида биноан "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан тақдирланди. Албатта, бу фақатгина Анара опанинг ютуғи эмас, шу туманда истиқомат қилаётган педагогларнинг, мактаб жамоасининг қолаверса, ўқитувчиларнинг ҳам муваффақиятидир.

Опа суҳбатлардан бирида шундай деганди: "Инсон манфаатлари устувор саналган юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар эзгуликка йўғрилганлиги билан алоҳида аҳамиятлидир. Буни агар биргина таълим тизими мисолида кўрадиган бўлсак, нақадар улғу ва хайрли юмушларга гувоҳ бўлаемиз. Эътибор беринг, мамлакатимизда ҳар янги ўқув йили арафасида қарийб ярим миллиондан зиёд бола мактабга илк бор қадам қўяди. Барча биринчи синф ўқувчиларига Президент совғалари — ўқув қуроллари ва дарсликлар тақдим этилади. Шу билан бирга, кам таъминланган оила фарзандлари қишки кийим-бош тўплами, яқка тартибда уйда таълим олувчи ўқувчилар зарурий ўқув қуроллари ва дарсликлар билан бепул таъминланади. Давлатимиз раҳбарининг бу эътиборини нафақат гаҳмўрлик, шу билан бирга, минглаб болажонлар қалбига ўзига бўлган ишонччи мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, десак, янглишмаймиз".

...Аёлга эътибор, келажакка бўлган эътиборнинг бир белгиси дейиш мумкин. Маълумки, қадим-қадимда энг фаросатли, ақл-идроқли, жасоратли ва матонатли, тadbирли йигитлар оқила ва фозила аёллар қўлида камол топишган. Оталар эса қизларининг эртаси учун ҳам қайғуриб, уларнинг ифратли, ахлоқли, маънавиятли бўлиб улғайиши учун атайин шундай тибатли аёллар-

Эътироф

га шогирдликка беришган, уларнинг қўлида энли бўлиб ўсган қизлар эса Ватанининг келажagini йўлайдиган мард фарзандларни дунёга келтиришган. Шунинг учун ҳам юртимиз қанчадан-қанча ёғиларнинг ҳужумидан дидеримизни асраган.

Азал-азалдан юртимиз илму маърифат маскани, авлиё ва донишмандлар юрти саналгани бежиз эмас. Аввало, илмга эътибор, билимли фарзандларни тарбиялаш, устозларнинг жонкуярлиги сингари хайрли, эзгу ишлар бугун ҳам бардавонлигини йўқотмай, тобора янги босқичга кўтарилиб бораётгани Анара Маҳмудова сингари минглаб фидойи ва жонкуяр устозларнинг меҳнати ордидан бўлаётгани рост.

Халқимизда бир гап юради: "Аёлнинг жони қирқта бўлади". Анара Маҳмудова каби ўқитувчилар эса жонини бутун мактабдаги минг-минглаб таълим-тарбия олаётган, ҳозирда мамлакатимиз тараққиётга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган кадрдон собиқ ўқувчиларга улашаётгани барчани қувонтиради. Дунёга улғу донишмандларни берган Хоразмнинг бугун ҳам гуллаб-яшнаётганлигида, кўзлари чақноқ, билимга ташна ўғил-қизларнинг тарбия топаётганида яратилган кенг имкониятлар, қўлай шарт-шароит ҳам алоҳида эътиборга молик. Эҳтимол, болаларнинг эстетик диди, дунёқараши, атрофни ёрқин рангларда кўришининг бош сабабларидан бири ҳам айнан гўзалликка, орасталик ва замонавийликка боғлиқдир.

...Урганч-Гурлан йўли баҳру дилингизни очади: кўчанинг икки бўйи қатор тизилган, замонавий услубдаги тўрт қаватли уйлар, яқин атрофида гавжум бозорлар — бари таъмирланган. Мактабга элтадиган раво йўллар худди мақдур таълим масканига эрта тонгдан ошиқайтган ўқувчиларнинг ниятлари, мақсадларидек — раво ва текис. Мактабнинг олди-орти мевали даракларнинг гулгун чехрасидан янаям яшнагандек. Мактабдаги ўқитувчиларнинг аксари ҳам Анара опанинг шогирдлари: юз-кўзидан шуни англаш мумкин. Шогирд устозга тортади, деганича бор.

Ўқувчиларнинг юз-кўзларидаги қувонч, келажакка ишонччи кўриб, беихтиёр ўтган давр — аёлларга нисбатан теримчи, дала ишчиси, уй бекаси сифатида қаралгани ортда қолганини, бугун улар жамиятнинг энг фаол аъзо-си эканини, таълим сифатини оширишда жиддий ишлаётганини англайсиз. Анара опа Маҳмудова ҳам болаларнинг кўзларидаги ёниқ ғайрат-шижоатни кўрганидан ҳар лаҳза мамнун.

Устоз болалик хотираларини, яқин ўтмишни эсларкан, шундай дорилмомон, хур, гўзал ва бетакрор кунларимизга шукроналар айтади. Юртимиздаги осойишталик, ҳамжихатлик, тинчлик, иноқлик абадий бўлишини Яратгандан сўрайди.

Олимжон ЖУМАОБОВ,
"Оила ва жамият" мухбири.



ВАРЗИШ — тилимизда уста, урдасидан чиқадиган, моҳир деган маъноларни англатган "варзиш" сўзининг туб илдизи "машқ", "кўникма" мазмунини ифодалаган.

Қўлларим жазм этса,
саранжом ҳар иш,
Ҳар қандай жумбоқни
ечишга варзиш.
Миртемир

— Ҳар қанча варзиш етган
расол бўлса ҳам, бир ўлик-
ни шунчалик ювар-да, - деди
Шум бола.

Фафур Фулом

БАРОН — тилимизга француз тилидан кириб келган "барон" сўзи Фарбий Европада зодагонларнинг графдан бир поғона паст турувчи унвони эканини яхши биламиз. Қизиғи шундаки, мартаба, насаб мазмунини ифодалаб келадиган бу сўз аслида "анқов", "лапашанг", "ёлланма аскар" деган маъноларни англатган.

Барон ўрнидан тураётиб,
хушомад тарзида не машақ-
қатлар билан илжайди.

Абдулла Қаҳҳор

ДЕВЗИРА — маҳаллий жайдари шолдан олинди-
ган йирик, сув кўтаридиган
гуруч тилимизда "девзира"
деб аталади. "Девзира" сўзи-
нинг туб илдизи "катта зира"
деган маънони англатган.
Дарҳақиқат, "дев" сўзи "жин",
"золим", "даҳшат", "қўрқинч",
"салобат" каби маънолари
қаторида "катта", "баҳайбат"
мазмунини ҳам ифодалайди.

Девзира гуручнинг палови
фамил чойни хуш
кўрмайди, аксинча, тўқсон
бешинчи кўк чой унга энг
муносиб чанқовбостидир.

Саид Аҳмад

ДАФИНА ВА ДАФН —
ерга қўмилган зебу зийнат
буюмлари, қимматбаҳо тош-
лардан иборат бойлик, хази-
на тилимизда "дафина" сўзи
билан ифодаланади. "Хазина"
мазмунидagi "дафина" сўзи
асли "дафн" сўзидан келиб
чиққан бўлиб, "қўмилган" де-
ган маънони англатган. Тили-
мизда "дафина" сўзининг
"қўмма" шакли ҳам бор.

Ўтган асрнинг охирида
Фаргона вилоятида чўпонлар
тасодифан металл буюмлар
дафинасини топиб олишган.

Журналдан

Ота-бобонгиз ва ўзингиз
жамғариб қўйган хазина, да-
финаларни бир-бир очиб..
бизга топширинг.

Садриддин Айний

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

Тилим лол, меҳр бу қандай тушунча,
Ва яна нечоғлик тафти бор унинг.
Бешикка бош қўйиб тонг отушича,
Ором не билмаган онам бор менинг.

Орзуси — доимо бахтиёр бўлсам,
Шодларан ёнида ўйнасам, кулсам.
Гар жоним оғриси, бир бор йиғласам,
Минг бора йиғлаган онам бор менинг.

Йўлимга эзгулик уруғин сочиб,
Товонга ботувчи тиконни янчиб.
Доимо қўлларин дуога очиб.
Узоқ умр тилаган онам бор менинг.

ОНА МЕҲРИ

Шукрона айтаман онам бор учун,
Гоҳида унутдим фарзандлик бурчим.
Сочига ёғилган оппоқ қор учун
Айбимни айтмаган онам бор менинг.

Она бор хонадон файзли, беғам,
Гул, райҳон ифори таралгай ҳар дам.
Мунавар айлаган нурли фариштам,
Оқ рўмоғи ўраган онам бор менинг.

Фуркат МАМАТКУЛОВ,
Жомбой тумани.

МАҲАЛЛАНИНГ МАЪНАВИЙ КЎПРИГИ

Халол меҳнат қилиб, ҳамжиҳатликда яшаш, қўни-қўшининг бир-бирига ғамхўр ва эътиборли бўлиши, тўй-маъракаларда елкадош бўлиб туриши чин инсонийликка хос удумларимиздан саналади. Уйчи туманидаги «Қашқар» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ана шундай фазилатларни ҳаёт мазмуни деб билган инсонлар истиқомат қилади. Айни пайтда 2410 нафардан зиёд аҳоли умргузаронлик қилаётган мазкур маҳалла кундан-кунга обод бўлиб бораётир.



Азалдан ҳар бир ҳудуднинг кексаю ёшга сўзи ўтадиган аёллари бўлган. Улар, таъбир жоиз бўлса, одамлар ўртасида маънавий кўприк вазифасини ўташган. Эркаклар аралашига истиҳола қилган жуда кўп оилавий муаммоларга ана шундай сўзи ўткир, зиёли, дунёқарши кенг аёллар ечим топа олган. Бу эзгу одат бугун ҳам асло қадрини йўқотгани йўқ. Аксинча, фуқаролар йиғинининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси вазифаси жорий этилганидан сўнг бунчи бажарувчининг нуфузи янада мустаҳкамланди.

Одинахон Ортиқова етти йилдан буюн қашқарликларнинг энг яқин, беминат маслаҳатчиси. Аҳолининг ярмидан кўпрогини ташкил қилган хотин-қизлар ва 594 оиланинг ўзига яраша қувонч-ташвишлари унинг ҳаёт мазмунига айланиб кетган.

— Маҳалламиз ахли асосан деҳқончилик билан шуғулланади, — дейди Одинахон опа. — Хунармандлар сулоласи давомчилари, маърифатли оилалар ҳам кўп. Ҳар бир сўмни пешона тери билан топишга одатланган маҳалладошлар уни ўйлаб сарфлашга, беҳуда совурмасликка уринишга. Шунинг учун ҳам тўй-маросимларимиз камчиқим, тартиб билан ўтади. Қудалар мурося билан иш тутишгани, ортиқча дабдабага чек қўйилгани, ҳамма нарсада тежамкор-

Замондошларимиз

ликка амал қилингани боис олди-берди, сеп-сидирга, йўқловлар юзасидан можаролар келиб чиқмайди.

Яраштириш комиссияси раиси Иззатилла ака Бойматов, тўй-маросимлар билан боғлиқ ишларга бошқош бўлаётган Усмонжон ака Мўйдинов, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси раиси Шаҳобиддин ака Насриддинов ҳар бир масалани ўз вақтида, ижобий томонга ҳал этмагунча тинчмайди.

Маҳаллада зиёли оилалар жуда кўп, уларнинг сони 200 тадан ортиқ. Ҳамидахон Фаниева, Осийхон Фаниева, Усмонжон Мўйдинов оиласи ҳақида гап кетса, фақат илиқ сўзларни эшитасиз. Хатто, баъзи хонадонларда беш нафар ўқитувчи бор. Шундай бўлгач, ёшлар ҳам билимга чанқок бўлади-да. Ҳозирги кунда биргина шу маҳалланинг ўзидан ўттиздан ортиқ ёшлар олий ўқув юрларида тахсил олишяпти. Уларнинг ярми қизлар.

— Оилавий тadbиркорлик, хунармандчиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратаймиз, — дейди Одинахон опа. — Дуррадгорлик билан шуғулланиб келаётган Шаҳобиддин Насриддинов оиласи, қўли гул тикувчи Марғубахон Ибрагимова, тўқувчилик бўйича кўп тенгдошларига устозлик қилаётган Файрат педагогика коллежи ўқувчиси Дилфуза Ҳасанбоева каби ўнлаб хунар эгаларининг иши кундан-кунга ривож топаёпти.

Яқин йиллар ичида бирорта қизни эрта турмушга узатилишига йўл қўйилмади. Хотин-қизларимиз ўз саломатлигига эътиборли бўлиб боришяпти. Бирлашган ҚВП шифокори Кимёхон Холматова, акушер-гинеколог Замирахон Каримова қайноналар, келинлар, ёш оналар, ўсмир қизлар билан алоҳида-алоҳида суҳбат қуришади. Уларга мамлакатимизда амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» тамойили асосида ислохотлар мазмун-моҳияти, соғлом аёлгина том маънода бахтли ҳаёт кечира олиши, бунга эришиш омилларини мазмунли, ҳаётий мисоллар билан тушунтириб беришади.

Ҳа, Ватан остонаси маҳалладек мўъжаз маскандан бошланади. Шу қутлуғ остонани файзли ва обод этиш ҳар биримизнинг муқаддас вазифамиздир.

Шаҳло ТОШБЕКОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

Биз чашмалар юртида, тоза булоқлар бўйида улғайган халқимиз. Кўнглимиз, меҳру оқибатимиз, келажакка бўлган ишончимиз ҳам ана шу чашма сувларидек тиниқ. Бу софлик ва тозаллик мумтоз кўшиқларимиз оҳангларига ҳам сингиб кетган. Кейинги пайтда ёшларимиз мумтоз ашулаларимизни тингламай қўйгани ҳам маънавий огриқларимиздан биридир.

Бир куни кўшиқ оҳангида ғалати ҳаракатлар қилиб бораётган ўспиринни тўхтатиб, кулоқчинини куло-

Акс садо

“Санъат савияни
синайди” (9-сон)

Орадан йиллар ўтди. Мумтоз ашулалар сеҳрида улғайган бола ҳаётда ўз йўлини топди. Бугун у катта бир қорхонанинг раҳбари. Фарбона тарбия таъсирида, хорижнинг олдиқонди кўшиқларига маҳлиё бўлиб вояга етган бола эса мактабда ўқиб юрган чоғиданоқ, жиноят кўчасига

БУЛОҚНИНГ СУВИ ТОЗА БЎЛАДИ



кириб кетди...

Мумтоз ашулалар, миллий ва фольклор кўшиқларида халқона руҳ ва ватанпарварлик муҳасаса. Уларни оила муҳитида тинглаб ўсган болада она Ватанга муҳаббат, атрофидагиларга нисбатан меҳру туйғуси шаклланади. Миллий куй-ашулаларимизнинг инсон маънавиятига ижобий таъсири аллақачон ўз исботини топган. Ва аксинча, Фарб олимлари шовқин-суронли, маъно-мазмун-

ғимга қўйдим. Ундан ғарбча тушунмасиз, ёқимсиз кўшиқ янграрди. Ўспириндан “Сўзларига тушунасанми?”, деб сўрадим. Айтишча, кўшиқчи: “Самовий қўллар бирлашинг, галактикани бузамиз”, деб қўйлаётган экан. Ана сизга ғарбона кўшиқларнинг асл моҳияти.

Бу ўринда Фарб кўшиқчилигини бутунлай инкор этмоқчи эмасмиз. Жаҳон мусиқаси намобдалари — Бетховеннинг “Ой сонатаси”, Моцартининг “Фантазия”си, Шопеннинг “Вальс” каби жозибатор асарларни барчамиз севиб тинглаймиз. Аммо, бугунги Фарб эстрадасининг ақсарият кўшиқларида ёшларимиз маънавиятини бегона ғуборларга тўлдирувчи таъйид бор. Бу уларнинг тарбиясига, камолига таъсир этмай қўймайди.

Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушади: маҳалламизда жуда яқин дўст икки болани билардим. Бири ўта замонавий, иккинчиси камсукумгина. Нима бўлди-ю, уларнинг бир-бирига муносабати ўзгарди. Бир куни ўрта-лоқ оиланинг боласини учратиб, нега ўртоғин билан ораларинг бузилди, деб сўрадим. “Ҳамманинг олдида сен дунёнинг хит кўшиқларини тушунмайсан, нуқул эскича ашулаларни эшитиб юрасан, деб устимдан қулди”, дейди.

сиз кўшиқлар асабини емириши, ақлни ноқис этиб, хатто саратон хасталигини келтириб чиқариши хусусида бонг уришмоқда.

Биз ота-оналар фарзандларимизнинг компьютердаги жангари ўйинларга берилиб кетаётганидан ваҳимага тушамиз, лекин уларни ғарбона ҳаёсиз кўшиқлардан асраш ҳаёлимизга ҳам келмайди. Аслида ёмон кўшиқларнинг таъсири компьютердаги жангари ўйинлар тахликасида ҳам хавфлироқдир.

Мумтоз куй, ашулаларда, қолаверса, фольклор кўшиқларида энгилмас сеҳр бор. Фарзандингизни мумтоз ашулалардан бирини тинглашга жалб этинг. Бошида ёқтирмаслиги, зерикши мумкин. Бора-бора ўша ашулани севиб қолади. Ва ашуладаги қудрат унинг руҳини тарбиялайди. Шундан сўнг фарзандингиз олифта хатти-ҳаракатларидан, хатто ўртоқлари билан “калла қўйиб” саломлашишдан ҳам уяладиган бўлиб қолади.

Вояга етаётган ёшларимизга буюк келажакни ишонимимиз учун аввало уларнинг маънавиятини миллат руҳи, Ватан севгиси, ўз халқининг бой ўтмишидан фахрланиш каби нозик туйғулар билан тўлдиришимиз керак.

Озода ЁРОВА,

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти халқ ижодиёти ва анъанавий ижрочилик кафедраси ўқитувчиси.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман тadbиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2014 йил 18 апрелдаги 007475-09 сонли реестр рақами билан Шайхонтоҳур тумани Қоратощ кўчаси 5-А уй манзили бўйича рўйхатга олинган “МАКРО SAMAR-QAND” ХК (СТИР 302922204) фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-630-сонли қарори асосан таъсисчининг 2015 йил 7 майдаги қарорига кўра тугатилди. Даъволар икки ой муддат ичида қабул қилинади.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйдаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. (4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт).

Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).

Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).

Торт ва пишириқлар — 2 ой.

Олий торт безатиш курси — 1 ой.

Ҳажон таомлари — 2 ой.

Аёллар сартарошлиги — 3 ой.

Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).

Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).

Тирноқ, киприк ўстириш ва дипеляция — 1 ой.

Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).

Тўқувчилик — 3 ой.

Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.

Бисер, яъни матога мунчоқли безак тушириш — 2 ой.

Декоратив гул ясаш — 1 ой.

Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.

Бисердан гуллар, дарахтчалар ясаш — 2 ой.

Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёт билан. Ётоқхона бор.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй, 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Яшнобод тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй, 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кўчаси деҳқон рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи) Хизматлар лицензияланган

Болалар қаттиқ қувониб уй-қура кетсалар, жаннатни туш кўришади.

Ишонмасангиз, Малакдан сўранг. У сизга бугун кўрган тушини айтиб беради. Ойижониси сарғиш хошияли тилларанг либосда кириб келгани, оппоқ мой-чечаклардан тузган гулдастасини мақтаб-мақтаб бағрига босгани, унга пушти кўйлак совға қилгани-ю, иккаласи етаклашиб

— Малак, кел бугун сочингни ўзим ўриб кўяман!

Агар ҳар бир одамнинг иккита онаси бўлганида, Малакнинг иккинчи волидаси шу аёл — Патила энага бўларди. Бу аниқ. Эрини трамвай тагига туртиб юбориб қамалган аёл хибсинг учинчи ойида дунёга келтирган ва бу машъум ишлардан беҳабар туғилган қизалоқнинг пешонасига шу энаганинг ёзилиши яратганининг му-

МАЛАКНИНГ ТУШИ



қирмизи атиргуллар очилиб ётган боғда сайр этишганини хижжалаб тасвирлайди. Ойижониси бағрига босиб эркалаганида худди ўзиникидек мовий кўзларига тўйиб тикилиб: "Мен онамга ўхшар эканман!" деб суюна-суюна ўйлаганларини ҳам айтиб беради. Малак учун жаннат — шу. Сўранг. Лекин ҳозир эмас. У эндигина уйғонди. Ҳали ювиниб-тараниши, энг чиройли кийимларини кийиб тараддулланиши керак. Онажониси билан учрашиш, уни кўриш учун. Умрида биринчи марта!..

Тўғри, умр деганимиз бу қизча учун атиги ўн йилгина. Лекин ҳаёт неъматининг шугина бир бўлади-да у кўп нарсаларни кўрди. Шундай аччиқ ҳақиқатларга рўбарў келдики, гоҳида уларга дош бериш қийиндек туюлади... Айниқса, "Қамокда туғилган қиз" деган тамга бу ҳақиқатлар ичида энг оғири эди, заиф елкасини эзиб ташларди. Бугун эса миттигина озурда қалбда қуёш балққандай бўлди: уни онажониси излаб келганмиш! Ахир ҳамма болаларнинг онаси бўлади-да.

Билади, онажониси дунёдаги энг чиройли аёл. Боя тушида кўрганидан ҳам чиройлироқ. У ҳам Малакни жуда-жуда соғинган, тушларида кўрган. "Қизимни тарбиячилар хаф қилмаяптимикин, болалар уришмаяптимикин?" деб куну-тун ўйлаган. Билади, жуда меҳрибон у.

рувватидан далолат бўлса керак.

Бугун Меҳрибонлик уйининг кун тартиби Малакка тегишли эмас. Бугунги кунни қизалоқ — "Энг яхши учрашув кунини" деб атайди. Унинг кўнглидан ўтаётган ўйлари, дераза оша кўчага интиқ термулган нигоҳидаги соғинч бошқа болаларга ҳам кўнгандек эди. Улар ҳам Малак билан бирга юрак ховучлаб бугунги учрашувни кутишар, тасаввур ва орзуларга берилишарди.

— Қанаққиб кўришасан?
— Аяси билан қучоқлашиб кўришади-да, жиннивой.
— Қанаққиб танийсан?
— Танийман-да, ахир аямга ўхшайман-ку. Ҳамма аясига ўхшайди.

Болалар бир хўрсиниб олишади...
— Малак, чиқ, аянг келди!
Қизалоқ дўстлари даврасидан ўқдек отилиб чиқди. Дарвоза томонга югуриб бораркан, сўлим боғчага қаторлаб қўйилган ўриндиклар узра нигоҳи шошар, тушидаги меҳрибон ва парирўй сиймони изларди. Боғда деярли ҳеч ким йўқ, йўлак этагида фаррош аёл хазонларни йиғиштирар, сал нарида икки киши сўхбатлашиб турар, яна бир амаки ўриндикда ўғрилиб ўтирганча тамаки тутатар эди. Малак йўлакчадан югуриб ўтди-да, секин орқасига қайтди. Кимдан, нима деб сўрашни билмас, "Менинг аям қани?" дейиш унинг учун осон эмасди.

— Сен... Малакмисан?

Буни ҳаёт дейдилар

Қизалоқ овоз келган томонга ялт этиб қаради-ю... ҳалиги чекаётган одам унга саволмуз тикилиб турганини кўриб, жойида қотиб қолди. Бир муддатлик суккутдан сўнг бош ирғаб "ҳм" дея олди, холос. Амаки... йўқ, у аёл киши экан... Униққан ёнгисиз кофта, ўзига кенгроқ шим кийган, афтодаҳол ўша аёл қаршисига келиб чўнкайиб ўтирганида юраги дукурлаб уриб кетди.

— Кап-катта қиз бўлқопсану, — деди аёл ва сап-сарик тишларини кўрсатиб жилмайди. — Мен аянгман, сени опкетгани келдим.

Қизалоқ қараёт эди. Ахир бу... бутунлай бошқа аёл-ку! Унинг сочлари тўзгиган, ёқаси гижим, қизарган кўзлари мастона боқарди.

Аёл уни бағрига тортди. Димоғига урилган тамаки хидиданми, қизнинг кўнгли беҳузур бўлди. Юлқиниб, орта чекинди.

— Ий-е, нега қочасан? Мен сенинг онангман ахир. Битта уканг ҳам бор, кўрасан. Сени олиб кетсам, бизга уй беришаркан. Учқовимиз яшаймиз. Кетасанми?..

Аёл қўлини у томон чўзганини билади, Малак бирдан ётоқхона томон зувиллаб югуриб кетди. "Йўқ, менинг онам бунақа эмас! У мени роса соғиниб келади! У бошқача, бошқача!!!"

...Кунлар, ҳафталар, ойлар ўтди. Бу орада онаси неча марта келиб-кетди. Малак эса чиқмади. Ҳўргина ақли бир нарсага этиб қолганди: бу аёл уни уй дардида олиб кетмоқчи! Ҳар сафар ўрнига Патила энага қичиб, узоқ гаплашарди. Бир кун эса Малакни ёнига чақириб, мулойим гап бошлади:

— Қизим, мени яхшилаб эшит. Қанақа бўлмасин, ОНАНГ БОР экан-ку! Агар бирга бўлсангиз, сен уни ўзинг истаган одамнига айлантириб оласан. Биринчи дарсни ҳам ўзинг бердинг, у ҳозир анча ўзгарган. Ҳатто чекишни ташлабди. Атай сен учун ўзгаряпти. Ишонмасанг, бор, деразадан қара.

Боядан бери миқ этмай ер чизиб турган қиз илкис бошини кўтарди. Ички бир туғён ётовиди дераза олдига қандай этиб борганини билмай қолди. Секин пардани сурди. Пастдаги ўриндикда сочлари силлиқ таралган, бежиримгина кўйлак кийган аёл йўлакча ўйчан термилиб ўтирар эди. Энди унинг қўлида тамаки тутамас, бунинг устига, ўша тушидаги аёлга жуда ўхшаб кетар эди...

Гулчехра АСРОНОВА.

Савол-жавоб

СОҒЛИГИМИЗ — БОЙЛИГИМИЗ

Уч ёшли болам ҳамма нарсадан кўрқадим. Масалан, қаттиқ овоз, абтобусда юриш, нотаниш одамлар билан мулоқотда бўлиш... Қандай қилиб ўғлимдаги бу кўрқувни бартараф этиш мумкин?

Нозима Ботирова.

Кўрқув асаб тизимининг алоҳида белгиси ҳисобланади. Агарда кичкинтойга тўғри ва мулойимлик билан ёрдам берсангиз, йиллар ўтиши билан бу ҳолат йўқолади кетади. Жараёнда унга ўзининг ҳис-туйғуларини бошқаришни ўргатиб бориш лозим. Бундай болага оила аъзоларининг меҳри, эътибори зарур. Фарзанд билан кўп муомалада бўлиш, ундаги ўзига бўлган ишонччи мустаҳкамлайди. Бунда албатта, оила аъзоларининг болани танқид қилмасдан қўллаб-қувватлашлари муҳим аҳамиятга эга. Шарқ яққа курашларининг бирор-бир турига жалб этиш ҳам яхши самара беради. Сал улғайганидан кейин эса биронта жамоа ўйинларида иштирок этиши мумкин. Энг муҳими, ҳар қандай нуқолай шароитда ҳам дадилликка, ўзини тутта билишга ундаш керак. Шунинг унутмангки, азиз ота-оналар! Бу борада кичкинтой муваффақиятга эришишида ота-она энг яхши ёрдамчилардир.

Менга Е витамини ҳақида маълумот берсангиз. Бу витамин этишмаслигини қандай аниқлаш мумкин? Ушбу дармондори аёллар учун зарурми?

Фотима Собитова.

Е витамини аёлларга ҳайз цикли бузилиши, ҳомиланинг бачадон ичида ривожланиши билан боғлиқлик, климатик даврида кўп қон кетишида, эндохрометризда огрикисизлантириш каби муҳим хусусиятга эга. Шу билан бирга у юрак-қон томир тизими фаолиятини, қон айланишини меъёрлаштиради. Қазғоқ, дерматит ва хунсбўзарларни йўқотади. Организмдаги захарли моддаларни ҳайдаб чиқаради. Энг муҳими эса, Е витамини аёлларнинг ёшлиги ва гўзаллигини асрашда фойдали. Чўнки у ҳужайраларни кислород билан таъминлайди, уларнинг тўйинишини яхшилади. Бир сўз билан айтганда, ушбу дармондори ҳужайралар қаришига йўл қўймайди.

Е витамини этишмаслиги ёшга муносиб равишда терининг қуруқлашиши, чарчоқ, кўз равшанлигининг пасайиши, дерматит, қазғоқ, юрак касалликлари, ошқозон-ичак фаолиятининг бузилиши, терида қарилик доғларининг пайдо бўлиши, жиззакилик, ҳардамхаёллик, ҳайз цикли бузилиши, томирлар шомоллаши, юришда қўйналиш, хотира пасайиши каби симптомларни келтириб чиқаради. Агарда шу сингари ҳолатлар қузатилса, дарров шифокорга мурожаат қилинг ва тезда кундалик рационингизни ўзгартириг. Унга бодом, ёнғоқ, ерэнғоқ, дуккалик ўсимликлар, бугдой, жигар, тухум, гўшт, сут, сариеғ, помидор, исмалок, шивит, петрушаларни киритишингиз лозим.

Саволларга Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 2-оилавий поликлиникаси олий тоифали шифокори Шаҳзода ХОНБЎТАЕВА жавоб берди.

Мактубларингиз

МАҲАЛЛАГА ДАСТУРХОНЧИ КЕРАКМИ?

Кенгашли тўй тарқамас, деганларидек, тўйга тараддулланган инсон бирор расм-русумларга қийналса, албатта, маҳалла фаолларига мурожаат этади. Улар маҳалланинг катталари сифатида ўз маслаҳатларини аямайдилар.



Тўй-ҳашамларни ижамлаштириш борасида ҳамкорликда иш олиб бориш ўз самарасини бермоқда. Хусусан, оқсоқоллар сайлаган маҳалла дастурхончилари ҳам бу каби хайрли ишларни амалга оширишда масъулдир. Улар одамларга режалаштираётган тадбирларида-

ги барча каму кўстини ҳамда расм-русумларни тушунтириб, харажатлар рўйхатини бериб келадилар. Шу боис ҳам тўй-маросимларимизнинг тартибли, дабдабасиз ўтишига эришиляпти, ортиқча сарф-харажатларнинг олди олинаётир.

Шу ўринда ҳақли савол

туғилади: хўш, дастурхончилик маҳаллага керакми? Назаримда, айримларга уларнинг кўринар-кўринмас хизмати ёқмаётган ҳолатлар ҳам учрамоқда. Тўғри, дуч келган киши бундай масъуляти вазифани уддалаши мушкул.

Қолаверса, уларга нозик вазифа, хонадон соҳибларининг обрўсини сақлаш топширилади. Масалан, тўйда аёл ҳамда эркак дастурхончилар бўлиб, наҳорги ошда эркак, кейин аёллар ийигинида эса аёл дастурхончи меҳмонларни

кутиб-кузатиш каби нозик ишларни уддалайдилар. Очигини айтганда, уларсиз тўй эгалари шошиб қоладилар ҳамда меҳмонлар олдида хижолатчилик туғилиши мумкин.

Айнан бизнинг маҳаллада, яъни "Нурсуҳ" ҚФЙда ким тўй қилмоқчи бўлса, энг аввало, дастурхончилар билан бир қур маслаҳатлашиб олади.

Ўтган йили "Бузуқўргон" маҳалла фуқаролари йиғини таркибидаги Бузуқўргон, Мок ҳамда Кенагас маҳалла йиғинидаги дастурхончиларга йиғин раиси Толиб-

жон Юлдашев томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилдики, бу каби рағбатлантиришлар уларнинг ўз вазифаларини сидқидилдан адо этишга ундайди. Қолаверса, қандай йиғилиш ёки тадбир бўлса, айнан маҳалла дастурхончилари алоҳида тақлиф этилиб, уларга ҳам масъул вазифалар топширилади.

Бахтиёр РИЗО,
Ўзбекистон
туманидаги "Нурсуҳ"
қишлоқ фуқаролар
йиғини фаоли.
Фаргона вилояти.



Давоми. Боши 1-бетда

— “Машхур кишилар ҳақида китоб тайёрлапмиз, сиз ҳақингизда ҳам ёзсак-чи”, деб қолди бир журналист аёл. Ўйлаб кўриб, охири розилик бердим. Эртаси куни учрашдик ва ўша тўпламга менинг фаолиятим ҳақида икки-уч саҳифа материал киритса, фалон миқдорда маблағ тўлашим кераклигини айтди. Менинг бунча пулни топиб беролмаслигимни эшитиб, “Опажон, бу тижорат китоб, ахир, текинга чикаролмаимиз, ўзингиз биласиз, зоримиз бор, зўримиз йўқ”, дея кетиб қолди. Бундоқ ҳисоб-китоб қилиб кўрдик, ҳўжалигимизда эллиқдан зиёд одам ишлаётган бўлса, ҳалиги айтилган пулга уч-тўрт оила бир ой рўзгорини боқайди, — дейди таниқли фермер аёллардан бири куюнчаклик билан.

Шу баҳонада тижорат йўли орқали чоп этилган бир неча катта-кичик китоблар билан танишиб чиқдим. Албатта улар орасида ўзларининг ибратли ҳаёт йўллари билан бошқаларга намуна бўлаётган замондошларимиз ҳақида ёзилган ажойиб тўпламларни эътироф этсак арзийди. Лекин, минг афсуски, беақли, рангли, қалин муқовада, оппоқ қоғозларда, қолаверса, замонавий матбаачиликнинг сўнгги услублари асосида босилган айрим китобларни варақлаб, очиғи, ҳафсалам пир бўлди. Уларнинг аксариятида зўрма-зўраки таржимаи ҳолдан тортиб, кераксиз статистик маълумотлар, хуллас, қуруқ мактовлардан иборат саёз жумлаларга гувоҳ бўласиз. Ушбу долзарб мавзунинг ўрганиш жараёнида ҳаваскор қаламкашларнинг савиясиз “шеър”ларидан иборат тўпламлари, альманахлар, олди-қочди воқеаларга асосланган қисса ва ҳикоялар жамланмаларига ҳам дуч келдик. Ҳатто “Вилоятимиз ижодкорларининг баёзига уч-тўртта шеъримни киритиш учун шунча пул тўладим”, деган гапларни ҳам эшитдик.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ҳўш, бундай савиясиз китоблар қаерда чоп этиляпти? Қаҳрамонларни “овлаб”, тирикчилик қилаётган “китобчилар” ва ҳаваскор шоир-ёзувчиларнинг асарларини нашриётларга олиб бораётган “пултопар” шоввозларнинг тегирмонига ким сув қуймоқда? Бугунги кунда ноширларимиз муаллифлар билан ишлашда қандай меъёр ва талабларга амал қилишмоқда?

Ахрор АХМЕДОВ, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти бош муҳаррири:

— Биз ноширларда битта камчилиги бор: китобнинг яратилиш тарихи билан унчалик қизиқмаймиз. Асарнинг умумий даражасига қараймиз. Агар нашриётимизнинг меъёрларига тўғри келса, нашр этишга киришиб кетамиз.

Бир пайтлар биз ҳам ишбилармон ва тадбиркор аёллар ҳақида ижтимоий публицистика йўналишида тайёрланган китобни чоп этганмиз. Шундай буюртмалар ҳалигача учраб туради. Нархлар ҳақида гап кетганда эса бундай китобларнинг муаллифлари: “Менинг пулим нақд”, деб қўйишади. Аммо талабларимиз даражасида бўлмагани учун уларга рад жавобини берамиз.

Бадиий адабиётни Ёзувчилар уюшмаси, илмий ёки тарихий китобларни ўз соҳасининг мутасаддиларига ўқитиш керак. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги қошида мониторинг хизмати ишлаб турибди. Улар чоп этилган ҳар бир китобни таҳлил қилади. Хулосалар асосида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини беришади. Шу боис давлат нашриётларида бундай савиясиз китоблар нисбатан кам учрайди.

Бу ҳолат шу даражада илдиз отган экан, унинг олдини олиш учун энг биринчи навбатда жамоатчилик назоратини ўрнатиш муҳим. Қаҳрамон сифатида танланаётганларнинг ўзи: “Мен шунга муносибманми, эртага китобга киритилсам, уйимдагилардан, чойхонадаги тўртта ўртоғимдан бошқа яна кимга бу китобни кўрсата оламан”, деб ўйлаши ҳам керак-да. Муаллиф ҳам бундай ишларга ўз фуқаролик

“Академнашр” нашриётинида кейинги йилларда чоп этилган Рауф Парфининг “Сайланма”си, кирилл ва лотин алифболоаридаги 85 000 сўзлик “Ўзбек тилининг имло лугати”, Аҳмад Аъзамнинг “Тил номуси” китоби, “Адабиётшунослик лугати”, “Тарих атамалари лугати” ҳамда “Ёд оламиз, шодланамиз” рукнидаги бир қатор жавоблар ўқувчиларга манзур бўлмоқда.

позицияси билан ёндашса яхши бўларди. Лекин китоб учун қачонки, у чоп этилган экан, нашриёт масъули, муҳаррир жавобгар!

Бугун мамлакатимизнинг ижтимоий-савий ҳаётида рўй бераётган бунёдкорликларга ўзининг муносиб хиссасини қўшаётган замонамиз қаҳрамонлари жуда кўп. Агар шундай инсонларни топиб, ижтимоий публицистиканинг мезонлари асосида китоб тайёрланган бўлса, бунинг учун ижодкорнинг отасига балли, дейиш керак.

Санжар НАЗАР, “Академнашр” нашриёт директори:

— Нашриётимизнинг кўрсаткичларига эътибор қаратсангиз, 2012 йилдан кейин нашр этилган китоблар номи камайганига гувоҳ бўласиз. Буни мазмунан саёз буюртмалардан воз кечишга ўзимизда куч топа олганлигимиз билан изоҳлаган бўлар эдим. Фаолиятимизнинг илк йилларида турли хил мукофотларга номзодларнинг китобларини ҳам, ясама қаҳрамонлар йиғилган тўпламларни ҳам, туман ва қишлоқлар тарихи сохталаштирилган асарларни тарих олиб келаверишарди.

Ҳозирда чоп этган китобларимиз воқеасида нашриёт ҳақида муайян тасаввур шаклланиб улгурган шекилли-да, бўлмагур “нарсаларни деярли тақлиф қилишмайди.

Фаолиятимизни таҳлил қила туриб: “Шу китобни чоп этмасак бўларкан”, — деган хулосага келган пайтларимиз ҳам бўлади, албатта. Бу — табиий. Ҳаракат шундай жараёни, хато унинг таркибий қисмларидан бири, гўё. Ҳамма гап ҳаттолардан қандай хулоса чиқаришда. Китоб нашир, муаллиф билан ишлаш ҳам бутун бошли бир жараён эканлигини унутмаслик керак. Баъзан янши муаллифга ишониб, биронта китоб устида иш бошлайсиз, аммо натижа кўнгилдагидек чиқмайди.

Туманлар, вилоятлардаги ёш ижодкорлар, ҳаваскор шоир ва ёзувчиларнинг тўпламларини чоп этиш “ташвиши” билан юрганлар ҳам кўп. Бу борада ўз меъёрларимиз бор. Ҳар қандай китоб учун соҳа мутахассисларидан, Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, филология фанлари докторлари, номзодларидан иккита тақриз талаб этилади. Биринчи китоблар ва тўпламларни нашрга олишдан аввал Ёзувчилар уюшмасининг тавсиясини талаб қиламиз. Буни эшитгач, кўпчилик қайтиб кетади. Аммо на муҳаррир ва на мусаввирнинг кўригидан ўтган бундай “асарлар” қайсидаги нашриётда барибир китоб ҳолида чоп этиляпти-да. Лекин шу ҳолатнинг ўзини юз фоиз салбий деб ҳам бўлмайди. Бундай тўпламлар сабаб чекка қишлоқлардаги истеъдодлар кашф этилиши ҳам мумкин.

Ёмон китоблар учриб кетмаслиги учун авваламбор ноширнинг ватанпарварлик ва маърифатпарварлик ҳислари юксак мақомда бўлмоғи лозим. Ноширларимиз бутун бошли мамлакат, миллатнинг маънавий қиёфаси учун жавобгар эканликларини ҳис қила олмоқлари даркор.

Нафақат ёмон китоблардан, балки ўртамеъна асарлардан ҳам чўчишимиз даркор. Ёмон китобни таниш, топиб олиш, йўқотиб ташлаш мумкин. Ўртамеъна, фойдасиз китобларни эса ажратиб олиш анчайин мураккаб. Улар, аксарият ҳолларда, эътибордан четда бўлади. Ўртамеъна китоб секин-аста авлодларнинг дидини тўмтоқлаштириб бораверади. Китоб ўқишга

бўлган эҳтиёжингиз қонадию фикрингиз тиниқлашмайди, қалбингиз юмшамайди, кўнглингиз тозармайди. Мутулаа завқини туймайсиз, унга хуморлиқни орттирмайсиз. Оқибатда, ҳақиқий китоб “ўлишидан”, унинг ўрнини китобсифат, фойдасиз матоҳ забт этишидан қўрқаман.

Бахтинисо РЎЗМЕТОВА, “Дилноза-Озодбек”

хусусий қорхонаси раҳбари:

— Ўзим китоб ўқишни яхши кўраман. Мутулаа инсоний фазилатларимизни шакллантиради. Зиёлилар, ижодкорлар, маърифатли кишилар билан тез-тез суҳбатлашаман. Аммо тўғриси айтишим керак, кейинги

Фикрлар хиёма-хил. Уларнинг ҳар бирида китоб маънавиятимизни юксалтиришга хизмат қилиши керак, деган куюнчаклик бор. Шу ўринда: “Бир ижодкор китобини чоп этишга тирикчилик қилса, яна кимдир китобга ўз сурати ва фамилиясини кўришдан хурсанд бўлса, нега уларга тош отиш керак?”, дейишганлар ҳам йўқ эмас. Аммо китоб ёзишдек эзгу амалга таъмағирлик соя солмаслиги керак. Зеро, фарзандларимизнинг онги ва тафаккури маънавий соҳада олиб борилаётган хайри саёз-ҳаракатларимиз, жумладан, ҳар томонлама ибратли, мазмундор ва савияли ёзилган, тайёрланган китоблар ёрдамида шаклланади, ўзгаради.

Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

Муҳомама учун мавзу

**“Шарқ”
нашриёт-матбаа
акциядорлик компаниясида
“Бобур энциклопедияси”
чоп этилади. АҚШ, Ҳиндистон,
Афғонистон, япониялик тажрибали
мутахассислар ва юздан ортиқ
ортиқ муаллифлар билан ҳам-
корликда тайёрланган ушбу
китобга 50 мингдан ортиқ
мақолалар жамланган. Айна
пайтда энциклопедия
Японияда таржима
қилинаёпти.**

пайтда журналистман, деб келганларнинг айримлари китоб учун қаҳрамон йиғайтганини айтади. Бундай тақлифга шахсан мен рад жавобини бераман. Тадбиркорнинг ҳам жамият олдига ўз бурчи бор. Бизга давлатимиз томонидан шундай имконият ва шароитлар яратиб берилган экан, ўз соҳамизни ривожлантириб, эл-юрт хизматида бўлишимиз керак. Саид Аҳмад, Абдулла Қаҳҳор, Тоғай Мурод каби улуг ёзувчиларимиз қаҳрамонлари билан ойлаб, йиллаб бирга яшагани, уларнинг турмуш тарзини ўргангани ҳақида эшитганмиз, хотиралардан ўқинганмиз. Улар яратган асарлар адабиётимизга кўрк бўлиб қўшилган. Ана шундай фидойи ижодкорлар бўлса, марҳамат, халқимиз тарихида қоладиган яхши асарлар ёзишсин. Уларни қўллаймиз. Аммо: “Битта сурат билан бир бетлик суҳбат беринг, китобга киритамиз”, деган тақлифда таъмағирликдан бошқа нарсани кўрмаймиз.

**Бусаида ТўРАБОЕВА,
Зарафшон шаҳри компьютер
технологиялари касб-ҳунар
коллежи хотин-қизлар
қўмитаси бошланғич
ташкilotи раиси:**

— Китоб — инсон маънавиятининг меъмори ҳисобланади. Аммо бугунги кунда жўн шеърлар, ҳикоя ва тўқима воқеалардан иборат ўртамеъна асарлари китоб ҳолида чоп этиб, таълим мусассаларига олиб келиб, “Шуни ўқувчиларга ўтказиб (!) беринг”, деб мажбуран (!) сотишга уринаётганлар ҳам йўқ эмас. Бу китоблар на мазмундан, на мантиқан таълим-тарбия талабларига жавоб беради. Уларнинг аксариятига рад жавобини берамиз. Аммо барибир қайсидир йўллар билан ўқувчиларимизга ўз “китоб”ларини сотиб кетишадди. Мана шундай савияси паст, мазмун-моҳиятсиз асарларнинг қўлайлиги натижасида кейинги пайтда китобга бўлган ҳурмат ва муносабат ҳам салбий томонга ўзгариб бормоқда. Устига-устак: “Агар пулини тўласангиз, сиз ҳақингизда китоб ёзаман”, дегувчилар ҳам кўпайди. Пала-партиш ёзилган асарлар ёки бир қанча соҳа вакиллари аралаш-қуралаш жамлаган китобларнинг кадр-қиммати бўладими? Биз юксак салоҳиятли фарзандларни тарбиялаш, ўқитишдек юксак масъулиятни зиммамизга олган эканмиз, улар ўқийётган китобларга ҳам жиддий эътибор қаратишимиз шарт.

АЖРАШИШ ОСОН, ЯРАШИШ-ЧИ?!

Афсуски, айрим инсонларнинг оиласи бузилишида масъулиятсизлик қилинганини эшитишнинг ўзи оғир. Ҳам судья, ҳам шу жамиятнинг вакили сифатида қандай қилиб инсон ўз оиласига эътиборсиз яшайди, нима учун ўз оиласининг тинчлиги, тотув-иноқ турмушига интилиб қурашмайди, эр-хотин ўртасидаги муаммоларнинг кўз илгамас илдири қаерда, деган саволлар мени ҳам доим ўйлантириб келади. Ўзим олиб борган суд жараёнларида эр-хотин муносабатларининг жудаям совуқлашиб, бир-бирига ҳурмат унутилганининг гувоҳи бўлсам-да, дилдан шу рўзгорни барбод бўлмаслигини истаб тураман.



Келинг, шу ўринда суд амалиётидан бир ҳаётий мисол келтирайин. Яқинда бир аёл ажрашиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилди. Суд жараёнида эса эр имкони борича оиласини сақлаб қолишга уринди, аёлига фарзандлари тақдирини ўйлаши кераклигини обдон тушунтирди. Тўғри, аслида бу чуқур ўйланмаган қадам унинг учун катта йўқотиш эди. Устига устак кетмакет вояга етиб қолган икки қиз, икки ўғилнинг тақдирини не кечади? Салкам йигирма йиллик турмуш барбод бўлиш арафасида турарди. Ажралишга сабаб бўлаётган муаммонинг илдизи анча чуқур эди. "Турмушимизда, очигини айтаман, деярли етишмовчилик-камчилик йўқ. Кечаю кундуз рўзгорнинг кам-кўстини тўлдириш, болаларнинг таълим-тарбияси учун елиб-югураман. Хотинимнинг эса парвоёйи палак, нуқул компьютердан, интернетдан бўшамайди. Ҳатто шундай вазиятлар бўладики, мен ишдан чарчаб, толиқиб келаман, аёлим қовоғида қор билан кутиб олади. Неча марта бу иши яхшиликка олиб бормаслигини тушунтирдим. Кулоқ солмай, ўз билганидан қолмайди, турли

баҳоналар топиб жанжаллашади. Шундай бўлсаям майли, мен фарзандларим тақдирини учун уни кечирдим, ажрашмайман", — деди эр чуқур хўрсиниб...

Афсуски, бу оилада маънавий муҳит ўзгарганига кўп бўлган экан. Биз ҳалиги аёлга оиланинг муқаддаслиги, фарзандларнинг кейинги қисмати, энг аввало, эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатнинг мўътадиллиги, ахил-иноқлиги билан ўлчанишини тушунтириш орқали, алам, жаҳл устида қабул қилаётган ушбу шошилинч қароридан воз кечиши учун ҳали ҳам кеч эмаслигини ўқтирдик. Ва аксарият ҳолларда рўзгори бузилган эр ёки хотинни олдинда тинч, тўкин ва тўқис ҳаёт кутиб турмаслигини айтдик. "Йўқ!". На чора. Ана шу биттагина сўзни маҳкам тутиб олган аёлни ярашишга кўндирди олмадик. Оқибатда улар ўртасидаги никоҳни бекор қилишга мажбур бўлдик...

Бир неча кун давомида ўйлаб ўйимга етолмадим. Балки, хаёлингиздан бу оила аллақачон маънан емирилиб, парчаланиш даражасига етган экан-ку, уларнинг ажралиши оддий ҳол, деган фикр ҳам ўтгандир? Лекин шу ўринда, кенг-роқ мулоҳаза юритиб кўрайлик. Азизлар. Хўш, айб кимда, мурасос эрқақдами ёки ижтимоий тармоқларга муккасидан берилиб, гулдек оиласини унутган аёлдами? Ҳали ўн гулдани бир гули очилмаган ўғил-қизларнинг тақдирини энди не кечади? Неча йиллар давомида бир оиланинг ичдан емирилиб, дарз кетишига жамоатчилик, қариндош-уруғлар, қўни-қўшилар нега шу пайтгача томошабин бўлиб туришди, деган ҳақли саволга ҳамон жавоб тополмаяпман. Маълум маънода сизу биз ҳам айбдор эканлигимизни эсдан чиқармайлик.

Дурдонахон АБДУҚАҲОРОВА,
Фурқаролик ишлари бўйича
Тошкент шаҳар Яққасарой
туманлараро суди судьяси.



БОДИБИЛДИНГЧИЛАР ҚИШЛОҒИ

Ҳиндистоннинг Нью-Дели штати жанубида ажойиб қишлоқ бор. Номини — Асола-Фатехпур Бери. Бу ер шаҳардаги ҳашаматли уйларга, нуфузли идораларга, тунги клубларга қўриқчилар "етиштириб" бериши билан ном қозongan.



— Қишлоғимизда спорт залига бормайдиган бирортаям бола топилмайди. Бу ерда ҳар бир ўғлон ўз саломатлиги ҳақида мунтазам қайғуради: ичмайди, чекмайди, ҳар қандай зарарли одатлардан холи юради", — дея ҳикоя қилади яққасарой буйича мураббий Вижай Танвар. — 300 кв/м майдонга эга ушбу спортзал ҳар кунни эрта тонгдан кечқурун соат 22 гача очик ва доимо гавжум. Кўпчилик бир кунда бир неча соатгача машқ қилади. Улар нафақат мушакларини ўстиради, балки турли акробатик машқлар бажариб, курашиб, куч синашишади ва албатта, йога усулларини ҳам ўзлаштириб боришади.

Пахлавлонлар вақтида овқатлангани ҳам жиддий эътибор қаратишади: шуғулланувчиларнинг аксари вегетарианлар бўлиб, оқсил захирасини мунтазам тўлдириб бориш учун бир кунда 10 литргача сут ичишади. Шунингдек, кундузги таомномалари рўйхатидан бананлар шодаси ва ярим кило бошқа мевалар ўрин олган.

Тушлиқда бир ярим-икки кило йогуртнинг уч-тўртта қулча билан истеъмол қилишади. Кечки овқат иккита қулча, сутга солинган 1,5 кило бодом мағзидан иборат. Буларнинг барчаси танадаги мушакларнинг қиройили ва бақувват ўсишига кўмаклашади.

Чинакам машғулотлар ва қатъий парҳез катта аҳамиятга эга. Яъни, ана шундай шароитда тарбия топган барзангиларга пойтахтдаги корхоналар кўриқчилик хизмати учун ойига 50 минг рупий (835 доллар) тўлашади. Ўртача иш ҳақи 100 доллар бўлган мамлакатда бундай миқдордаги маош ҳар ҳолда уларни қониқтиради.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

НАФАҚА ТЎХТАТИЛМАЙДИ

— Опамнинг турмуш ўртоғи бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган эди. Шу сабабли у икки нафар боласига боқувчисини йўқотганлик нафақасини олиб келади. Агар опам бошқа оила курси, нафақа тўлови тўхтатиладими?
Т. Аҳмедов,
Тошкент шаҳри.

— Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни 19-моддасига мувофиқ: Ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъи назар, ота ва онадан бири ёки эр ёки хотин, ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиб билан машғул бўлса ва ишлаётган бўлса, улар оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари ҳисобланади ва боқувчисини йўқотганлик нафақасини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

"Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасига асосан: Эр ёки хотиннинг вафот этганлиги сабабли тайинланган нафақа уни олаётган фуқаро янги никоҳдан ўтганида ҳам сақланиб қолиши белгиланган.

Саволга Юнусобод
туманидаги 4-сонли ДНИ нотариуси
Насиба РЎЗИҚУЛОВА жавоб берди.

ЎЗУВЛАРИ АНИҚ БЎЛИШИ КЕРАК

— Ҳужжатимнинг бир жойи салгина бўяб ёзилгани ва устидан кириб ўчирилгани учун нотариус битимни тасдиқламади. Бундай ҳолда ҳужжатимни қандай тўғриласам бўлади?
С.Эшимова.

— Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги Қонуни 35-моддасига биноан: Нотариуслар нотариал харақатларини амалга ошириш учун кириб ўчирилган ёки қўшимчалар киритилган, сўзлари устидан чизилган ва изоҳ берилмаган бошқа тўзатишлари бўлган ҳужжатларни, шунингдек, қаламда ёзилган ҳужжатларни қабул қилмайди.

Ҳужжатнинг мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар ҳеч бўлмаганда бир марта сўз билан, юридик шахсларнинг номлари эса — улар органларининг манзиллари кўрсатилган ҳолда, қисқартиришларсиз ёзилиши лозим.

Саволга Мирзо Улугбек
туманидаги 1-сонли ДНИ нотариуси
Камола МИРЖАЛИЛОВА
жавоб берди.



Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўлиб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклам материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



9 772 010 760 007

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — **Олимжон ЖУМАБОВ**

Саҳифаловчи — **Ақбар ШОДИЕВ**
Мусахҳилар — **Саидғани САЙДАЛИМОВ,**
Камола АДАШБОВЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темурут кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

12 45

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 536. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 7059. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
«Оила» бўлими: 234-25-46